КИНО САНЪАТИ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар
БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ 7-бет
ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 44 (10.349) / 2005 ЙИЛ 4 МАРТ

## ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

**3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.**

Суҳбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизмнинг кўринишларига қарши курашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аввало, чегарабўйи ҳудудларда барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга доир чора-тадбирлар хусусида келишиб олдилар.

Савдо-иқтисодий муносабатлардаги фойдаланилмаётган улкан салоҳиятни ишга солиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги асоссиз божхона тўсиқларини бартараф этиш, божхоналарга оид қоидаларни бирхиллаштириш ва божхона қонунчилигини уйғунлаштириш борасидаги масалаларни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида ва молия секторидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, мазкур соҳаларга оид қонунчиликни уйғунлаштириш йўллари муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари раислигидаги Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма ишчи гуруҳини тузиш ва уларга мазкур ишни ташкил этишни топшириш тўғрисида келишиб олдилар.

**(ЎзА)**

## ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф 2005 йил 5-7 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасидаги музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Покистон муносабатларини ривожлантириш ва ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этадилар. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама битимлар имзоланади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Наманган ва Навоий вилоят фаоллари йиғилишида Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги Кенгашида сўзлаган нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш хусусида сўз борди.**

**● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида «Бизнинг меросимиз туркумидаги «Аср тенгдошлари» кўргазмаси очилди.**

**● «Ўзмедикал» ўзбек-корейс қўшма корхонаси бир марта ишлатиладиган дорининалар ишлаб чиқара бошлади.**

**● Навоий шаҳрида тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказилмоқда. 19 март куни эса Наврўз байрамига бағишлаб умумшаҳар ҳашари ўтказиш режалаштирилган.**

**● Самарқанд шаҳридаги марказий маданият уйида халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандлар ясаган буюмлар кўргазмасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Урганч шаҳрида «Германия агроакция»си лойиҳаси асосида уруғлик картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.**

**● Денов туманилик тадбиркор Равшан Мирзаевнинг ташаббуси билан вилоят «Сўфи Оллоёр» жамғармаси ташкил этилди.**

### Жаҳонда

**● МАГАТЭ вакилларининг маълум қилишича, Эрон Парчиндаги ядро объектига текширув сафари уюштирмоқчи бўлган МАГАТЭ инспекторларига рад жавобини берган.**

**● Украинанинг миллий хавфсизлик ва мудофаа бўйича кенгаши Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиши ҳақида қарор қабул қилди. Бу жараённинг 15 мартдан бошланиши режалаштирилмоқда.**

**● АҚШ Президенти Жорж Бушга суиқасд уюштирмоқчи бўлган «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотининг аъзоси, араб миллатига мансуб америкалик 23 ёшли Аҳмад Умар Абу Али ўз айбларини тан олди.**

**● Молдавияда шу йилнинг 6 мартида бўлиб ўтадиган парламент сайловларида илк бор «Электрон сайлов» тизими жорий этилади.**

**● АҚШда мамлакат Олий судининг қарорига кўра ўсмирларга ўлим жазоси берилиши бекор қилинди. Яъни бундан буён олий жазо жиноят содир этилган пайтда ҳали 18 ёшга кирмаган ўсмирларга нисбатан қўлланилмайди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

**● КЕЧА** Яккасарой туманидаги «Табассум» қаҳвахонасида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Аёл билан олам мунаввар» деб номланди.

**● БУГУН** Республика Шифокорлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган «Аёл муқаддас» мавзуидаги тадбир Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

**● КЕЧА** Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Гиёвандликка қарши кураш» мавзуидаги тадбирда талабалар ҳамда ўқитувчилар иштирок этишди.

**● ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида «Ислом фалсафасининг бугунги кундаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

**● ЭРТАГА** Акмал Икромов туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Байрамингиз муборак» амалий, мусиқий анжуман ўтказилади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун*

## БУЮК ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

***Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ўзининг ер ости ва заминдаги табиий бойликлари, улкан шаҳар ва обод қишлоқлари билан ўз куч-қудратини, бўй-бастини намойиш этишга интилади. Айрим мамлакатлар барча қувватини мавжуд ҳарбий салоҳиятида кўрган ҳолда, баъзилари иқтисодий-молиявий имкониятларини кўз-кўзлайди. Бироқ жамиятнинг, давлатнинг энг катта бойлиги, битмас-туганмас салоҳияти манбаи, таянчи ва суянчи унинг халқидир.***



Халқи жисмонан ва маънан бақувват юртнинг қудратига муқобил куч бўлмайди. Истиқлол туфайли мазкур ҳаётий ҳақиқат давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида Инсон омилига катта эътибор қаратилган. Шу боис мамлакатимизда турли соҳалар бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар асосида инсон манфаатлари, унинг хавфсизлиги, фаровон турмуш тарзини таъминлашдек эзгу тушунчалар ўз ифодасини топмоқда. Юртбошимиз инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, деган инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ғоят ҳаққоний шиорни илгари сурди.

1993 йил 4 март куни мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши буюк ишларга қодир баркамол авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан ҳам муҳим ва аҳамиятлидир.

Мазкур нишонни илк бор топшириш маросимидаги сўзида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай деган эди: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир». Ўтган йиллар мобайнида юртимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилди, бу муҳим вазифа давлатимиз ва халқимизнинг доимий диққат-эътиборида.

Давоми 2-бетда.

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА — ЯНГИ WEB-САЙТ

**Жаҳон Интернет тармоғида мамлакатимизнинг интернет ҳамжамияти етакчи мутахассислари иштирокида ўзбек, рус ва инглиз тилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси очилди.**

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш йўлида фаол сиёсат юритиб, иқтисодиёт, илм-фан, таълим соҳаси ва ахборот алмашиш борасида дунё халқлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Юртимизнинг жадал ривожланаётган давлат сифатида жаҳон аро обрўси тобора юксалмоқда.

Интернет — глобал ахборот тизими — жаҳон ахборот узатиш воситаси ва ахборот тарқатишнинг энг янги механизмидир. Интернет тармоғида юртимизни ҳар томонлама кенг намоён этиш, шак-шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг муҳим омилларидандир. Жамиятимизнинг тезкор ахборот алмашув, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир эҳтиёжи тобора ортиб бораётир.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, айни пайтда Ўзбекистонда глобал рақамли технологиялар, ахборот хизматларининг замонавий турлари, чунончи Интернет орқали ахборот узатиш ва олиш имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур тармоқда миллий ахборот қўлами янада кўпаймоқда ва бу миллий иқтисодиётимизнинг юксалиши, мамлакатимизнинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида қўл келаяпти.

Давоми 2-бетда.

# БУЮК ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

Давоми. Боши 1-бетда.

«Соғлом авлод учун» ордени I ва II даражадан иборат. Мазкур орден билан юртдошларимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, экологияни яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани — мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун мукофотланадилар.

«Соғлом авлод учун» ордени билан юртдошларимиз қаторида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашга алоҳида хизматлари сингган бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳам тақдирланиши мумкин.

Истиқлолнинг Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили, Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган даврларида мазкур йўналишларда махсус дастурлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Шу йиллар мобайнида миллат генофондини асраб-авайлаш ва ҳимоялашдек ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда бор куч ва ғайратини аямаётган юртдошларимиздан бир қанчаси «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби бўлди.

Сиҳат-саломатлик йилида тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтаришдек шарафли вазифага янада катта эътибор қаратилмоқда. Давлат миқёсида амалга оширилаётган махсус дастур доирасида замонавий соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ этиш борасида кенг кўламли вазифалар амалга оширилаётир.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини ҳаётимизга тўла татбиқ этсак, миллатимиз, халқимиз янада яшаради, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлади, ҳаётимиз бундан-да гўзаллашади. Болаларимизни боғчадан, мактаб партасидан бошлаб халқимизга хос соғлом турмуш тарзига ўргатсак, уларга поклик, руҳий ва жисмоний бардамлик сабоғини берсак, соғлом авлодни тўғри тарбиялаган бўламиз. Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». «Соғлом авлод учун» ордени эса мана шундай эзгу амаллар йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни рағбатлантиришда маънавий таянч, улар хизматининг амалий эътирофи вазифасини ўтамоқда.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА - ЯНГИ WEB-САЙТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг аввалги версияси Интернет тармоғида уч йилдан ортиқ вақт амал қилди. Унда давлатимиз раҳбарининг фармонлари, нутқлари, маърузалари, баёнотлари, жаҳон сиёсати масалалари бўйича халқаро ва минтақавий анжуманлардаги чиқишлари (жумладан, аудио ва видео турлари), ўтказган матбуот анжуманлари ҳисоботлари, китобларининг электрон нусхалари, шунингдек, хорижий мамлакатларга ташрифлари тўғрисидаги тўлиқ матнли, фото ва видео ахборотлар мунтазам бериб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг фаолияти тўғрисида ахборот бериш ва тарқатишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги янги версияси яратилди. Бу борада глобал рақамли технологияларнинг энг янги имкониятларидан кенг фойдаланилди. Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси (WWW.press-service.uz) ўзининг мазмундорлиги, ресурсларининг ҳимояланганлиги, дизайни, кенг қамровлиги, навигация ва ахборот топиш қулайлиги билан Интернет тармоғининг замонавий талабларига мосдир. Web-сайт жаҳоннинг етакчи қидирув тизимларида (АҚШ, Европа, Осиё ва МДҲ мамлакатлари) рўйхатга олинган ва бу дунёнинг барча мамлакатлари бўйлаб ушбу сайтдан кўп сонли фойдаланувчиларга эга бўлиш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Web-сайтининг янги версияси тўққизта асосий бўлимдан иборат:

— ПРЕЗИДЕНТ бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг таржимаи ҳоли, Президент мақоми ҳақидаги материаллар тақдим этилган.

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ бўлимидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрин олган.

— ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ бўлимида Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси тўғрисида батафсил ахборот ва тасвирлар берилган. Мадҳияни аудио файлда тинглаш мумкин.

— ЯНГИЛИКЛАР бўлимида давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ёритилган. Бўлимда фото материаллар ҳам жойлаштирилган.

— МАТБУОТ бўлимида Ўзбекистондаги халқаро, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жараёнлар тўғрисидаги шарҳ ва мақолалар берилган.

— ҲУЖЖАТЛАР бўлимида Президент томонидан имзоланадиган ҳуқуқий ва расмий ҳужжатлар — фармонлар, қарорлар ва фармойишларнинг тўлиқ версиялари тақдим этилган.

— НУТҚЛАР бўлимидан Президентнинг маърузалари, нутқлари, чиқишлари, интервью ва табриклари жой олган. Бўлимдаги материалларга аудио ва видео материаллар ҳам илова қилинган. Шунингдек, мазкур бўлимда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги маърузаси матни ва унинг аудиоверсияси жойлаштирилган.

— ТАШРИФЛАР бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари ва Ўзбекистон Республикасига расмий шахсларнинг ташрифлари тўғрисида ахборотлар берилган. Бу ахборотларга фото ва видео материаллар илова қилинган.



— КИТОБЛАР бўлимидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоблари ва асарлари (12 жилд) ўрин олган.

Мазкур Web-сайт глобал ахборот тизимининг инглиз-рус-ўзбек тилларидаги тармоғида давлатимиз Раҳбарининг фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Интернет ресурсларининг нуфузли каталоги ҳисобланади. У Интернет тармоғидан фойдаланувчилар Ўзбекистоннинг салоҳияти, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида янада кенгроқ маълумот олишида, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда амалий ҳамкорлик кўлами ўсишида муҳим омил бўлади.

**(ЎзА)**

# МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Иззат Саад раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Насриддин Нажимов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар бу борадаги ҳамкорлик мавжуд имкониятлар даражасида эмаслигини ва уни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва Мисрда салоҳият катта эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасидаги музокараларда эса икки мамлакатнинг олий қонунчилик органлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни юқори баҳолади. Хусусан, икки палатали парламент тизими шакллантирилгани бу борадаги улкан ютуқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Делегация аъзолари Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

**(ЎзА)**

**Республика Киночилар уйида 2004 йилда суратга олинган кино асарлари муҳокамасига бағишланган ижодий конференция бўлиб ўтди. Унда ўтган йил якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ИНЪИКОСИ

Конференцияда сўзга чиққан «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст, кинотанқидчи Ханжара Абулқосимова, «Ўзбекфильм» киностудияси бадиий раҳбари Юсуф Розиқов ва бошқалар кинематография жамият маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Кинематография улкан таъсир кучига эга бўлиб, эркин фикрни шакллантириши, маънавий бой, баркамол ривожланган ёш авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиши лозим. Бунда юксак бадиий савияда яратилган, халқимиз дунёқарашига жавоб берадиган фильмлар алоҳида роль ўйнайди. Чунки бундай асарлар юксак маънавият кўзгуси каби ёшларда ватанпарварлик, фидойилик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини тарбиялайди. Кино санъатининг айнан шу жиҳатлари соҳа ходимлари олдига мураккаб ва масъулиятли вазифаларни қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил мартида қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз кино санъатини ривожлантириш соҳасида янги имкониятлар очди. Ушбу расмий ҳужжатларга мувофиқ миллий кино санъатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди, киностудиялар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда, ёш истеъдодли киноижодкорларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўтган даврда «Ўзбеккино» студиялари томонидан бир неча бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар яратилди. Уларнинг мавзуи ва жанр кўлами хилма-хил. Янги асарлар киношунослар, танқидчилар ва томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. «Дев билан пакана», «Қудуқ» каби фильмлар халқаро кинофестивалларда муваффақият билан намойиш этилди, совринлар билан тақдирланди.

Конференцияда танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Бугун кино ходимлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу, авваламбор, замонавий қаҳрамонлар сиймоси яратилган кино асарлари бадиий савиясини такомиллаштириш, улар воситасида ёшларни миллий мустақиллик ғоялари, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшишдан иборат.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# МАҲАЛЛАДА ДАВРА СУҲБАТИ

**2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда шаҳримиз маҳаллаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, дунё халқларига раҳна солаётган ОИТС, гиёвандлик каби салбий иллатларга моиллик яратувчи ичкиликбозлик ва кашандаликка қарши ғов яратиш мақсадида «Ўзтелерадиокомпанияси ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан бошланган «4 карра йўқ!!!» телемарафони доирасида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, World Vision ЛСА ҳамкорлик дастури, Диний идоранинг шаҳар бўлими ва бошқа ҳамкорлар билан шаҳримизнинг қатор маҳаллаларида учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.**

Шундай учрашувлардан бири Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида бўлиб ўтди. Давра суҳбатида сўз олганлар бугунги кунда оилаларимизда ушбу иллатларга чалинган инсонлар мавжудлиги ва бунинг натижасида ногирон ҳамда касалманд болалар дунёга келаётганлиги, муқаддас динимиз ҳам боланинг дунёга келишида ота-онанинг масъуллигини такрор ва такрор таъкидлашини яна бир карра эслатиб ўтдилар. Шундай экан жамиятимиз равнақига хизмат қиладиган баркамол авлод учун, генофондимиз софлигини асраш учун барчамиз бирдек масъулмиз. Зеро, шу мустақил юрт бизники, уни ва ундаги барча неъматларни асраш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи.

Шунингдек, тадбирда йиллар давомида кашандаликка ружу қўйган ва ундан воз кечишга ўзида имкон топган отахон аччиқ ҳаётий тажрибаларини айтиб бериб, ёшларни бу салбий иллатга яқин йўламасликка чақирди. Маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар ва уларнинг юқори синфларда таҳсил олаётган фарзандлари иштирок этган давра суҳбати савол-жавобларга бой, қизғин мунозара тарзида ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Бектемир туманида 1955 йилда туғилган ишламайдиган, судланган, П.Шамсиев кўчасида яшовчи В.Ш. маст ҳолда ўз уйида, ўзаро жанжал оқибатида, меҳмонда бўлган танишлари, 1943 йилда туғилган ишламайдиган, А.Соловьев кўчасида яшаган В.К.ни ошхона пичоғи билан чап кўкрак қисмига икки маротаба ва 1968 йилда туғилган, ишламайдиган, Самарқанд Дарвоза кўчасида яшовчи Э.Й.нинг ўнг кўкрак қисмига уч маротаба пичоқ билан уриб жароҳат етказган. Натижада В.К. олган тан жароҳатидан воқеа жойида вафот этган, Э.Й. “ўнг кўкрак қисмида санчилган-кесилган жароҳати” ташхиси билан касалхонанинг жарроҳлик бўлимига ётқизилган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида В.Ш. ўз уйида ушланди.

● Миробод туманида илгари ушланган, 1986 йилда туғилган, ишламайдиган, 8 март кўчасида яшовчи Д.Л, 1987 йилда туғилган, ўқимайдиган шу манзилда яшовчи В.Л., ва 1990 йилда туғилган Қўйлиқ-5да яшовчи Р.А.лар билан тергов жараёнида аниқланишича, 2004 йилнинг 19 сентябрига ўтар кечаси, Қўйлиқ-4 даҳасидаги 183-болалар боғчаси олдида жойлашган автоуловлар қўйиш учун мўлжалланган гаражлар оралиғидаги электр устунига тортилган 122472 сўмлик 540 метр алюмин симларини ўғирлаб кетишган.

● Миробод туманида 5 февралга ўтар кечаси, номаълум шахс, Нукус кўчасидаги 5-уйда жойлашган “Адел” қаҳвахонасидаги стол устида қаровсиз қолдирилган 1973 йилда туғилган, “Асака” тижорат банки ишчиси, Нукус кўчасида яшовчи Т.С.нинг 180000 сўмлик “Нокия-6100” уяли телефон аппарати ва 15000 сўмлик курткасини ўғирлаб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, шу қаҳвахона ишчиси, Мурғоб кўчасида яшовчи Л.В. далилий ашё билан ушланди.

● Мирзо Улуғбек туманида илгари ушланган, 1972 йилда туғилган, Навоий шаҳридаги “Отабек жаҳон” хусусий фирмаси раҳбари, Навоий шаҳри, Х.Дўстлиги кўчасида яшовчи С.Қ. ва 1980 йилда туғилган, ишламайдиган, Ҳусанбоев кўчасида яшовчи Ш.К. билан тергов жараёнида аниқланишича, улар 2004 йилнинг 2 декабрь куни соат 17.00 да, Ҳусанбоев-2 тор кўчасида 1970 йилда туғилган ишламайдиган, Қўқон шаҳри, Жаҳонобод кўчасида яшовчи И.Х.ни алдаб, шифер олиб берамиз деб, 1000 АҚШ долларини олиб қайтариб беришмаган.

**Дилбар ЁДГОРОВА,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот марказининг жамоатчи махбири**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 5 МАРТ, ШАНБА

**Ҳар қандай саёҳатлар, хизмат сафарлари сизга омад келтиради – мунажжимлар, бугун осмон сайёралари одамларга саховат кўзи билан қарашларини башорат қилишади. Уларнинг фикрича, бугун инсондаги олий руҳий қобилият ўз кудратини намоён этади ва шу куни фикрингизга келган гаплар башоратли бўлади. Кузатувчанлик, фикрларингизни идора эта билиш, шошқалоқлик ва ақл мезонида ўлчанмаган ҳаракатлардан ўзингизни тийишни ўрганишингиз тавсия этилади.**

Яхши ниятлар ҳомийлигида ўтадиган бугунги кунда фикр-хаёлларни поклаш тавсия этилади ва бу келажагингизни аниқ кўра билиш, нима учун курашиш, қаерга боришни аниқ ҳис қилишга ёрдам беради.

Шу куни одамлар билан фаол мулоқотда бўлиш, саёҳатлар ва сафарларга чиқиш фойдали бўлади. Бошқаларга ёрдам бериш, қийин аҳволдан уларни қутқариш омадингиз юришишига омил бўлиши ҳам аниқ. Барча янгиликлар ва янги ғоялар яхшиликка далолат бўлади.

Шу билан бирга, ортиқча маҳмадоналик, оғзи бўшликдан сизни огоҳлантирамиз. Аввалига бирон қимматли нарса, буюмингизни яшириб, кейин уларни қандай қилиб яхшилаб яшириб қўйганингизни мақтаниб айтиб қўйишингиз хавфи бор. Шунинг учун тилингизни тийиб, ҳатто энг яқинларингизга ҳам бу ҳақда оғиз очманг. Акс ҳолда ўғри битта-ю, гумон юз кишидан бўлиб, дўст-биродарларингиз ва яқинларингизни хафа қилиб қўясиз.

Яқин икки-уч кун давомида одамлар тушкунликка мойил бўлишади, саломатлик масаласида ҳам муаммолар кўпайиши мумкин.

Тақдирнинг турли-туман аломатларига диққатингизни жамланг, ички туйғуларингизни тарбиялаб боринг. Мабодо, бугун харид қилган нарсангиз йиртилиб, синиб ёки йўқолиб қолса — демак, сиз яқин бир ой мобайнида ҳеч нарса сотиб олмаслигингиз керак. Узукнинг кўзи тушиб кетиши, тасодифан эшикнинг қулфи ёпилиб қолиши, калитнинг синиши нохушликларга ишора. Бугун бировлар йўқотиб қўйган нарсаларни, айниқса, пул ва моддий буюмларни олманг.

Бу оқшом кўрилган тушлар башоратли бўлиб, тушда йўл ва марҳум қариндошларингизни кўриш — яхшиликка. Оёқ-қўллар, суяк ва бўғимлар, умуртқа поғонаси бугун заифлашган бўлади.

Бошдан-оёқ янги кийиниш, либослар сариқ ва кўк-яшил рангларда бўлиши мақсадга мувофиқ. Қизил ва сиёҳ ранг кийимлардан нарироқ бўлинг.

**Бугун:**

— Уй шароитини эслатувчи одатий муҳитда дам олиш ва меҳнат қилиш;

— рўзғордаги майда кам-кўстларни тўлдириш, уйларни кўтариш;

— тажрибали кишилар маслаҳатларига қулоқ тутиш;

— енгил спорт машқлари билан шуғулланиш тавсия этилади.

Жиддий ҳаракатлар қилиш, саломатлигингизга эътиборсиз бўлиш, йўлда эҳтиётсизликка йўл қўйиш, сув ва суюқликларга пала-партиш муносабатда бўлишдан ўзингизни асранг.

### 6 МАРТ, ЯКШАНБА

**Бугунги кун олий тақводорлик, одиллик билан боғлиқ бўлиб, уни уйда —рўзғор ишлари билан шуғулланиб ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шу куни реал воқеликни аниқ кўриб, шунга мутаносиб иш тутувчи инсонлар дунёга келади.**

Улар ҳаётда жиддий, барқарор ва улкан ишларга қўл урадилар, ўзлари белгилаган режаларини аста-секин, аммо оғишмай ва қатъият билан амалга ошириб борадилар. Улар камгап кишилар бўлишади ва кўпроқ бошқаларни тинглашни яхши кўришади.

Бугун ортиқча маҳмадоналикдан, ғийбат ва иғво гаплардан қочинг. Зеро, гапирган гапларингиз ўзингизга зиён келтириши мумкин. Шунингдек бугун, ўзингизни ортиқча зўриқтирманг.

Интеллектуал меҳнат билан — яъни билимларингизни ошириш, китоб мутолааси, мантиққа доир масалаларни ечиш билан шуғулланиш фойдали. Маиший ва рўзғор электр асбоблари ва техникани ишлатишда эҳтиёт бўлинг. Ҳеч нарсани тузатманг ва таъмирлашга интилманг. Уйингизни тез-тез шамоллатиб туринг, очиқ ҳавода кўпроқ бўлинг.

Чарм ёки ёғочдан ишланган буюмларни топиб олиш — омадингиз келишидан нишона. Бирор жойингизни кесиб олишингиз ёки бирон — нарса санчилса – йўқотишлар ва аламлардан огоҳлантиришдир.

Тушда таомни кўриш ёки овқат пишириш – яхшилик аломати. Бош кийимни кийиб кўриш кутилмаган пуллардан хабар бўлади.

Ҳар қандай жарроҳлик муолажалари ман этилади, тишни олдириш ва даволаш ҳам кечиктирилгани маъқул. Бугун асаблар заифлашган бўлади, кўзларингизни толиқтирманг. Шу куни ҳаммом буғхонаси, баданни уқалаш, гиёҳлар билан даволаниш самарали бўлади.

Кумушранг, оқ ва кўк-яшил ранг либослар кийиш тавсия этилса, сариқ, қизил ва зарғалдоқ ранглардан огоҳлантирамиз.

Якшанба маслаҳатлари:

— соғлиғингизни асранг, парҳезга риоя қилинг;

— якуний натижалар чиқариб, режалар тузишга ҳаракат қилинг;

— камтар бўлиб, бойлик ва куч-ғайратингизни тежаб-тергаб сарфланг.

Янги ишларни бошлаш, тақдирингизга таъсир этиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилиш, узоқ сафарга отланиш, саломатлигингизга эътиборсиз бўлиш, экстрасенс, гипнозчиларга мурожаат қилиш тавсия этилмайди.

# ДАВРА СУҲБАТИ

**Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида беморлар ҳуқуқи ҳимоясига бағишланган очиқ давра суҳбати ўтказилди.**

Кенгашни Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили(Омбудсман) Ўзбекистон Врачлар уюшмаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Юртимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан ўз вақтида таъминлаш, хорижнинг илғор тажрибасини ўрганишни, шифокорларнинг малакасини оширишни, тиббий хизмат кўрсатишнинг нодавлат тизимини ривожлантиришни тақозо этади.

«Сиҳат-саломатлик йили” муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили маҳалллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда тиббиёт соҳаси жамоатчилигини беморлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида дунё тажрибаларидан хабардор қилиб боради.

Давра суҳбатида соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари, тиббиёт касаба уюшмаси раҳбарлари шу ҳақда фикр юритди.

Таъкидлаш жоизки, айни кунларда Шимолий Ирландия ва Буюк Британия бирлашган қироллиги соғлиқни сақлаш департаменти вакили Кристофер Бостокнинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. Британия эксперти мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишди ва юқори баҳо берди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва ташкилот, суд-ҳуқуқ идоралари, нодавлат ташкилот ҳамда оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**«Туркистон-пресс»**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
М.В.М

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 66- уйда жойлашган, «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи. Бошланғич нархи — 119 545 220 сўм.

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 77-уйда жойлашган, тўққиз қаватли бинонинг умумий майдони 478 кв.метрга тенг бўлган биринчи қаватнинг бир қисми ва унга тақаб қурилган бино. Бошланғич нархи — 22 500 000 сўм.

● «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

***Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.***

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,**
**Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

# ҚУВНОҚ ХАНДАЛАР

Александр Дюма Россияда сафарда бўлганида Тбилисига ҳам келди. Ўша ерлик дўкон сотувчиси уни дўконга таклиф қилди. Сотувчи ёзувчи келишидан олдин ҳамма пештахталарга Дюма китобларини тўлдириб ташлашларини буюрди.

— Бошқа китоблар қаерда? — сўради Дюма.

— Сотилиб бўлган, — дея жавоб берди сотувчи.

* * *

—Доктор, кечаси шеър ёзган куним, албатта ухлай олмайман, — деб зорланди ҳаваскор шоир шифокорга.

— Бўлмаса ёзганларингизни яна бир қайта ўқиб чиқишга ҳаракат қилинг, — деб жавоб берди шифокор.

* * *

Бир маст йўлда чўзилиб ётарди. Миршаблар уни кўриб қолишди.

— Тур ўрнингдан, қани биз билан юр, — дейишди унга.

— Ие, жиннимисизлар, — деди маст ғўлдираб. — Агар юролсам уйимга кетмасмидим.

* * *

Бир киши бир аҳмоқ одамнинг отини ўғирлаб қўлга тушди. От эгаси унга: — Менга от ўғирлашни ўргатиб қўйсанг, сени озод қилиб юбораман, — деди.

Ўғри «хўп» деб отни эгарлади. Юганини отнинг оғзига солди. Отга ирғиб минди-да аҳмоқнинг бошига бир қамчи тушираркан:

— От ўғирлаш мана бунақа бўлади, — дея тагидаги отни чоптириб кетди.

* * *

Афандининг розилигисиз бир қизга унаштириб қўйишди. Биринчи учрашув куни унаштирилган қиз Афандидан сўради:

— Тўйимиз ўтгунча қайси қариндошингиздан яшириниб, қайсинисига кўринмай юрай?

Шунда Афанди:

— Фақатгина менга кўринмасдан юрсангиз бўлди, — деб жавоб берди.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# "ОҚШОМ" ҲАНГОМАЛАРИ

**Умримнинг роса ўн олти йили "Тошкент оқшоми" газетасида ўтди. Ўйлаб кўрсам, бу менинг энг нурли, энг жўшқин йилларим экан. Шу даргоҳда бир-биридан қадрли дўстлар орттирдим. Айниқса Тўлқин Расулев менинг энг садоқатли дўстим эди! (Охирати обод бўлсин). У ҳаммани "азизим" деб гапирар, ўзи ҳам бутун жамоанинг жони-дили эди. Тўлқин ака ишинг юришиб, омадинг чопиб турганида эмас, айнан бошингга синовли кун тушганда етиб келар, ёнингда суянчиқ бўлиб турарди...**

**Яна бир одати: Тўлқин Расулев ниҳоятда хушчақчақ, дилкаш, ўта топқир эди. Шунақанги ҳангомаларни ўйлаб топардики, эсласам, ҳануз кулгим келади.**

Орамизда ёши улуғроқ ҳамкасбимиз бўларди. Ишга жиндай тоби йўқроқ, устига-устак "қиттак-қиттак" олиб турар, гоҳи пайтлар икки-уч кунлаб ишга келмай ҳам қолар эди.

Охири раҳбаримизнинг тоқати тоқ бўлди чоғи, ҳаммани тўплаб мажлис қилди.

— Хўш, уч кундан бери қаёққа даф бўлдингиз? — деди аччиқланиб.

Ҳамма жим. Бояги ходим ҳам "соқов". Чамаси нима баҳона топишга ҳайрон. Унинг ёнида ўтирган Тўлқин ака секин шипшиди. "Қайнона, қайнона".

— Энди... шунақа бўпқолди, — деди "прогулчи ходим". — Қайнонамиз ўлиб қолди. Бандалик-да...

Раҳбар дарров юмшади.

— Начора, ўлим ҳар кимнинг бошида бор... Шунақа экан, бир оғиз айтиб қўйсангиз бўларди-ку! — Шундай дедию, бирдан ҳушёр тортди. — Менга қаранг, — деди овози ўзгариб. — Янги йил арафасида ҳам қайнонам ўлди, дегандингиз шекилли? — Нечта қайнонангиз бор ўзи?

Ходим нима дейишини билмай ғўлдираб қолди.

— Энди... бу азизимни ҳам тушуниш керак, — деди Тўлқин ака. — Тошкентнинг ярмиси қайнонаси. Қайси бирининг ҳисобига етсин! Хотини билан ажрашганига йигирма йил бўлган. Ўшандан бери ҳар йили учтадан қайнонаси ўлади.

Хуллас, у бўлди, бу бўлди, ходим жазога тортилмади...

* * *

Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари ўтадиган бўлди. Ҳамма декада юмуши билан овора. Бир маҳал Тўлқин ака соддароқ ходимлардан бирини бошлаб кириб қолди.

— Манавинга бир соатдан бери бир нарсани ҳеч тушунтиролмаяпман, — деди аччиқланган бўлиб. — мақоласининг номини "Озар халқининг байрами" дебди. Тўғрими шу?

Гапнинг "оқаваси" қаёққа қараб кетаётганини тушундим.

— Нега энди "озар халқи" бўларкан? — дедим зарда билан. — Дунёда қўшма атамалар борлигини биласизми? Масалан, Будапешт шаҳри. Венгрия пойтахти. Номи битта, аммо иккита шаҳарни билдиради. Дунай дарёсининг бир қирғоғида Буда, иккинчисида Пешт шаҳарлари жойлашган.

Бири "кулба", бири "ғор" деган маънони англатади. Ёки Чехословакияни олинг. Агар бизда Чехословакия адабиёти — санъати кунлари бўлса-да, сиз "Чех халқининг байрами" десангиз, биласизми, қанақа тўполон бўлади?! Словаклардан балога қолиб кетасиз. Озарбайжонлар ҳам шунақа — иккита халқ! Бири — "озар", иккинчиси "байжон!" Эронда уч миллион, Туркияда икки миллион "байжон"лар яшайди! "Озар" халқининг байрами" эмиш-а! Топган сарлавҳангизни қаранг! Иложи бўлса, "Озар ва байжон халқларининг байрами" деб ёзинг!

... Шундай бўлди... Ходим шўрлик муҳаррирдан ўлгудек гап эшитиб, ҳайфсан олди...

* * *

Ахборот бўлимига ҳар куни камида ўнтадан янгилик топиб, газетага бериш шарт қилиб қўйилган эди. Бўлим мудири "Информация қироли" деб лақаб олган, кун бўйи оғзи сигаретдан, қулоғи телефондан бўшамас, шаҳардаги қайсики ташкилот бор, янгилик сўрайвериб, ҳол-жонига қўймас эди. Ишимиз тиғиз, асабий бўлгани учун тез-тез телефон ҳазиллари қилиб, ўзимизни овутар эдик. (Ростини айтсам, кўпинча ўзим "шумлик" қилишни яхши кўрар эдим).

...Тўлқин ака хонамизга кириб, маслаҳат солди.

— Боядан бери янгилик тополмай эзилиб кетди, шўрлик. Келинг қизиқарлироқ бирон хабар билан "ёрдам берайлик".

Икковлашиб, антиқа "сенсация" ўйлаб топдик. "Информация қироли"га қўнғироқ қилдим.

— Ассалом алайкум, — дедим овозимни ўзгартириб, — Редакциями бу?

— Шундай-шундай, — деди ходим ҳовлиқиб.

— Бизнинг институтда бир янгилик бор эди, шуни айтсам майлими дейишим билан қувониб кетди.

— Айтинг, дарров ёзиб оламан! — деди шошилиб.

Шундай қилиб, "сенсацияни" бошладим. Мен айтиб турибман, у ёзиб турибди.

— "Тошкент Давлат тиббиёт институтида ноёб жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Бундай операция дунёда биринчи марта қилинди. Уни амалга оширишда хирурглар, нейрохирурглар, лорлар, эндокринологлар... — шундай деб, тахминан йигирмага яқин оғзимга келган касб эгасининг номини санадим. Сўнг давом этдим. — Бу — жаҳоншумул операция бўлгани учун унда Тошкент, Москва, Лондон, Париж, Токио каби шаҳарлардан келган машҳур жарроҳлар, — деб яна ўттизтача ўзбек, рус, инглиз, японча номларни қаторлаштириб ташладим. — Операция роса уч соату йигирма икки дақиқа давом этди. Жарроҳлик жараёнида доцент фалончилар, ассистент фисмадончилар, — деганимда "Информация қироли"нинг тинглайвериб қулоғи, ёзавериб қўли чарчаб кетди шекилли, тоқати тоқ бўлиб сўради.

— Ҳой, барака топкур, қанақа операция қилишди ўзи? Нимани кесишди?

— Қулоқни! — дедим зарда билан. — Охиригача эшитиш керак-да, бунда Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги бир хўжаликнинг тракторчиси мисли кўрилмаган касалга дучор бўлган. Чап қулоғи ўзидан-ўзи ўсиб кетаверган-кетаверган, охири қирқ сантиметрга етиб, биқинигача осилиб тушган. Шунинг ўттиз ўч сантиметрини кесиб...

Шу ерга келганда мен ҳам, Тўлқин ака ҳам чидолмай кулиб юбордик. "Ахборот"чала қолди.

* * *

Тиғиз иш жараёни толиқтиргани учунми, гоҳо кечқурунлари бир оз "олиб" туришлар бўларди. Айниқса маош ёки қалам ҳақи олинган куни.

Бир сафар келинойи жиндай ранжиб гапириб қолдилар. "Тўлқин ака тез-тез ичадиган бўлиб қоляптилар. Сиз койиб қўйинг. Магазинга кирмай қўяқолсинлар..." Хўп, деб, ваъда бердим. Маош олган кунимиз қўярдақўймай автобусгача ўзим кузатиб қўядиган бўлдим. Тўлқин ака бир дўконга кириб, сигарет олди. Қатор-қатор шишаларга қараб қўйдию, қовоғини солиб ташқарига чиқди. Нарироққа бориб, болаларга қанд оладиган бўлди. Бу магазинга ҳам биргалашиб кирдим. Бекатга етиб келдик. Қани автобус жонивор кела қолса!

— Ие, эсдан чиқибди! — деди Тўлқин ака сигарет қолдиғини ташлаб. — Болалар шар обкелинг девди-ку! Сиз туриб туринг, мен ҳозир! — Шундай дедию, ғизиллаганча нарироқдаги дўконга кириб кетди. Зум ўтмай мамнун алпозда чиқиб келди. Ип тўрхалтада газет қоғозга ўралган шиша. "Буёғи қандоқ бўлди", дегандек қараган эдим, Тўлқин ака астойдил тушунтирди.

— Шу магазинчилар ҳам жа қайсар бўлади-да! Қўлига уч сўм узатиб тўртта шар бергин, десам, тўртта шар йигирма тийин туради, уч сўмга "издачам" йўқ дейди. Менда майда йўқ, унда қайтим йўқ. Ке, шу бечоранинг ҳожати чиқа қолсин, деб шарнинг "издача"сига арақ ола қолдим, азизим!

* * *

Ёз охирларида Чилонзорнинг қайси бир кварталида зўр пиво сотади, деб эшитдик. (У пайтлар бочкали пиво деган матах "очирид" бўларди). Бордик, беш-олти киши бир чеккага ўтиб, кружкада пиво ича бошладик. Шу пайт тўсатдан шовқин-сурон бўлиб қолди. Навбат талашганми, бошқами, хуллас уч-тўрт ўзбек йигит татарми, русми бир киши билан ғижиллашиб қолди.

Тўлқин ака доим дўппи кийиб юрарди. Бошидан дўпписини олиб, қарсиллатиб қоқиб, бошига илди. (Ўзбекнинг қўли баланд келганидан хурсанд!)

— Баракалла, ўғил бола! — деди ҳайқириб. — Бўш келма буларга!

Ичувчи халқи қанча тез уришса, шунча тез ярашади. Бирпасда "братан-братан" деб апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Буни қарангки, орадан кўп ўтмай, тағин шовқин бошланди. Қарасак, бу сафар наригиларнинг қўли баланд келяпти. Бояги йигитлар "ладно, братан, ладно" деб турибди. Тўлқин акага разм солсам, ранги ўчиб кетяпти. Бошидаги дўппини секингина ечди-да, сумкасига тиқди.

— Нима бўлди? — десам, осмонга имо қилди.

— Кўрмайсизми, ёмғир ёғадиган бўптурибди.

— Биттаям булут йўқ-ку, ёмғир нима қилсин! — дедим кулиб.

Тўлқин ака бироз жим қолди-да, охири баҳона топди.

— Дадам раҳматли менга куз ҳавосига ишонма, деб васият қилганлар. Куз яқин. Ёмғир бугун ёғмаса, эртага ёғади. Қамбағалнинг шиорини биласиз-ку, азизим, дўппи омон бўлса, бош топилади!

* * *

"Тошкент оқшоми"да Кенжа ака деган ходим бор эди. Жуда дилкаш, содда киши эди. Бир муддат Тўлқин аканинг бўлимида ишлагани учунми, у кишини устоз деб қаттиқ ҳурмат қиларди. Тўлқин ака ҳам уни ўзига яқин олар, "Кенжам менинг — иқболим менинг" деб мақташдан чарчамас эди. Кенжа аканинг қаттиқ ихлос қўйган ҳаваси — шеър ёзиш эди. Тўғрисини айтганда, шеърлари мундайроқ бўлсада, катта шоир бўлишни орзу қилар, унинг ширин орзусига Тўлқин ака вақти-вақти билан "керосин сепиб" турарди. Ҳар доим эмас-ку, бирон кичикроқ зиёфатга дил кетганда "Кенжахонлик" қилиш эҳтиёжи туғилиб қоларди. Сабаби Кенжа ака шеърини мақтаган одамни ёқасидан бўғиб бўлса ҳам меҳмон қилишга тайёр эди...

Бир куни хонасига кирсам, Тўлқин ака телефонда гаплашяпти.

— Кенжам менинг — иқболим менинг! Шундай қилиб янгиларидан бор, денг-а! Табриклайман! Мана, Ўткиржон ҳам келиб қолди. Борамиз. Албатта борамиз! Соат олтида. Келишдик. — Сўнг гўшакни қўйиб, менга юзланди. — Бугун "Кенжахон"лик бўлади! Бир отамлашайлик!

Ишдан кейин беш-олти нафар "мухлислар" узун-қисқа бўлиб собиқ Карл Маркс кўчасидаги ошхонага кириб бордик. Кенжа ака одатдагидек ҳар хил газаклар, овқат келтирди. Жиндай-жиндай "нўш айланди" ҳам.

— Қани, бошланг, Кенжахон! — деди Тўлқин ака тантана билан.

Кенжа ака "шеърият кечаси"ни бошлади.

"Одам туғилару, ўлади яна,
Ажал эса қилар тантана..."

— Ана! — деди Тўлқин ака уёғини эшитиб ҳам ўтирмай. — Қаранглар, икки қатор шеърга инсоннинг бутун умри жойланган! Умар Ҳайём ҳам бунақанги зўр рубоий ёзган эмас! Агар тирилиб келса, "боракалло пири муршид" деб Кенжахонни тавоф қилган бўларди!

Мақтовдан мойдек эриб кетган Кенжа ака ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйди.

— Анави сабилдан яна жиндай келтирайми, устоз?

— Жиндай-пиндай деб ўтирмай шишаси билан олиб келавер! — Тўлқин ака афсус-надомат билан бош чайқади. — Бу дунёда адолат йўқ экан-да! — деди чуқур фалсафий оҳангда. — Нашриётлар қаёққа қарайди ҳайронман! Шундоқ буюк талант хор бўлиб юрса... Уч томлигини чиқариш керак!

Кенжа ака зиёфатни қайтадан бошлайди. Шеърхонлик эсдан ҳам чиқиб кетади. Ниҳоят ошхона ёпилиши аниқ бўлиб қолганда Тўлқин ака "ташкилотчи" сифатида давранi якунлайди.

— Кенжам менинг — иқболим менинг! Ўзинг зўр одамсану, аммо тўғрисини айтсам, сендан ҳали-вери шоир чиқмайди!

Ҳамма апоқ-чапоқ хайрлашади. Тўлқин ака шоирнинг кўнглини кўтаради.

— Бугунги шеърларинг капийкага арзимайдию, лекин бу дегани ҳамма шеъринг ёмон дегани эмас. Эртага ўқийдиганларинг зўр бўлишига ишонамиз, азизим!

... Эртаси тушдан кейин чарчоқлар билиниб, жиндай ҳордиқ чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлгач, телефон қулоғи тағин буралади.

— Кенжам менинг — иқболим менинг! Эрталаб туриб Расул Ҳамзатовнинг тўртликларини ўқидим. Уникини олдида сизнинг рубоийларингиз классик асар! Ҳайронман, бу ноинсоф нашриётлар қаёққа қарайди! Аллақачон тўрт томлигингизни чиқариш керак эди! Нима? Янгиларидан бор, дейсизми? Бугунми? Майли. Ўртоқларга илтимос қилиб кўраман. Ўша жойдами? Бўпти, азизим, сиз шеър ўқийман, дейсизу, бизлар йўқ дермидик!..

* * *

Ҳамкасбларимиздан бирининг лақаби "от" эди. Албатта, лақаб тўқиш — гуноҳ. Лекин газетачининг меҳнати айнан отникига ўхшашини назарга олсак, бу — унчалик лақаб ҳам эмас. Негаки, газетачи эртаю-кеч пойгачи отдек югуриб юради. Устига-устак омоч тортадиган отдек ҳар куни тер тўкади...

Хуллас, ўша дўстимизнинг лақаби "от" эди. Кунларнинг бирида наҳорги ошга бордик. Тўй эгаси яқин танишимиз бўлгани учун ош тарқагунча ёнида ҳассакаш бўлиб турдик. Сўнг ҳаммамизни алоҳида дастурхонга таклиф қилишди. Узун столнинг икки томонига қатор бўлиб ўтирдик. Энг юқорида битта жой ортиб қолди.

Тўлқин ака, "от" лақабли ҳамкасбимизга бирдан меҳрибон бўлиб қолди.

— Азизим, ўтинг, илтимос, сиз тўрга ўтинг!

Бояги дўстимиз ҳайрон.

— Узр. Бу ерда улуғ одамлар ўтирибди, улардан юқори чиқсам ноқулай бўлади, — деб рад этгани сайин Тўлқин ака баттар ниқтайди.

— Бу ерда сиздан улуғи йўқ, азизим. Бир марта хўп денг, ўтинг энди!

Охири ҳамкасбимиз тўрга чиқиб, пастдагиларга рўбарў бўлиб ўтиришга мажбур бўлди.

— Раҳмат, азизим, раҳмат, — деди Тўлқин ака мамнун бўлиб. — Мана энди бизлар "арава" бўлдик! Чу!

* * *

Тўлқин аканинг қадрдонлари кўп эди. Айниқса, Ўтан ака деган дўсти кўриниши билан қувониб кетар, бир соатли юмушини ўн дақиқада саранжом қилиб қўяқолар эди. Сабаби, Ўтан ака улфатчиликни яхши кўрар, кун ора таҳририятга келиб турар, икки дўст ишдан сўнг чақчақлашиб ўтиришни хуш кўришарди.

... Оркестрда литавра деган мусиқа асбоби бўлади. Содда қилиб айтсак, бир жуфт ялтироқ, думалоқ мис баркашга ўхшаб кетади. Бу асбоб концертга кўп "аралашмайди". Фақат куйлар авж пардасига етганда бир-бирига, урилиб, "вош-ш-ш" деган овоз чиқаради ва мусиқага айрича тантанавор тус беради.

Бир куни ҳамкасбимиз Солиҳжон айтиб қолди:

— Яхшиям Тўлқин ака Навоий театрида ишламайдилар. Бўлмаса, театр икки кунда ёпилиб кетган бўлар эди!

— Нега энди? — деди Тўлқин ака ҳайрон бўлиб.

— Масалан, сиз театр оркестрида ишлайсиз, — деди Солиҳжон тушунтириб. — Сиз "мис баркаш" чаласиз. Концерт энди бошланган. Бутун томоша давомида "баркаш"ларни тўққиз марта "уриштиришингиз" керак. Шу пайт залга Ўтан ака кириб келадилар. Сиз бир йўла тўққиз марта "вош-вош-вош" қиласиз-да, "баркаш"ларни улоқтириб юбориб Ўтан ака билан чиқиб кетаверасиз!

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

Ҳар бир киши ҳаётда содиқ дўст топишга ва бундай дўстлар билан доимо алоқада бўлиб, дўстлик ипини узмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки, садоқатли дўстлар оғир кунларда ёрдамга келиб, кишининг оғирини енгил қиладилар. Тил учида дўстлик қилувчи хулқсиз ва ҳаёсиз «дўстлар» мурувват қўлини чўзмай, ўзларини панага оладилар. Бунга қуйидаги масал мисол.

Бир кийик булоқдан сув ичаётган экан. У ўз аксини булоқ сувида кўриб ўзича: «Қани энди, менинг оёғим ҳам мана шу шохдор дарахт танасидек бўлса. Ўшанда душманим ким бўлмасин, барисига қарши уруша олардим» деб афсусланди. Ҳали у ўз ўйини тугатмаган ҳам эдики, ногоҳ овчи итларнинг товушини эшитди. У сакраб туриб, дала томон қочишга тушди. Итлар эса унинг ортидан қува бошлади. Кийик ўзини дарахтлар орасига урган эди, шоҳи дарахтлар орасига кириб, қочишга имкони қолмади. Овчи итлар етиб келиб, унинг қорнини ёриб ташлашди. Кийик жон берар экан, нола чекиб деди: «Оҳ, қандай аблаҳ ва бахти қаро эканман! Дўстни душмандан айирмабман. Кўзимга ҳамма нарсадан маҳбуброқ кўринган шоҳим душманим бўлиб чиқди. Назаримда қабиҳ ва ёмон кўринган оёқларим эса ҳақиқий дўстларим экан».

● Ҳикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтнинг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай ейишда давом этди. Бироқ эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда ҳолдан тойди. Ноиложликдан бир кун аввал насиҳатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишди, мени оёқдан қулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

● Ошиқдан сўрадилар:

— Дунёда ошиқ учун энг оғир уқубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

● Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлғон бўлса, барчанинг олдида қадри кетади.

● Билгинки, нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб, билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлашса тўғри йўлдан оздиради.

● Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши. Ғафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

● Мард билан улфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

Газетанинг навбатдаги сони 6 мартда чиқади.

# КЕЛ, КЕЛАҚОЛ НАВРЎЗИМ



**Ўлкамизда баҳор. У она юрт бўйлаб тобора кучоғини кенг ёзмоқда. Бугун бирбиридан гўзал ва обод шаҳар ва қишлоқларимизда, юртдошларимиз қалбида баҳорий кайфият ҳукмрон. Бугун она-замин, барча ёш-у қари яқинлашиб келаётган Наврўзи оламга пешвоз чиқишга шайланмоқда.**

Азалий қадриятларимиздан бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида нишонланадиган шодиёна байрам. У юрт ободончилиги учун ҳашарлар уюштириш, янги боғ-роғлар бунёд этиш, ёши улуғ кекса отахон ва онахонлардан хабар олиш каби савобли ишларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам қадрли ва эътиборлидир. Наврўзда бободеҳқон далага отланади. Келгуси йил мўл-кўл ҳосилини ўйлаб ерга эрта уруғ қадайди. Наврўзда маҳаллаю қишлоқлар ўзгача тус олади. Дастурхонларимиз минг дардга даво баҳорий taомлар, сумалак, ҳалим, турли кўкатли пишириқлар билан безанади.

Наврўз чинакам халқ сайли бўлиши билан ҳам гўзал фазилатга эга. Шу куни давраларда миллий ўйинлар, лапарлар, қўшиқ-ҳангомалар, мушоира кечалари бошланади ва улар туну-кун давом этади.

Бир сўз билан айтганда, бу кўнгилли фаслда борлиқ уйғонади, табиат яшил либосга бурканади, тирик жон борки, ҳаракатга келади, одамзотнинг юрагида янги орзу-интилишлар, шодлик ва қувонч, севги ва ҳаётга муҳаббат уйғонади. Биз бу шодиёна кунни мана шу хислату фазилатлари учун ҳам интиқлик билан «Кел, келақол Наврўзим», дея очиқ юз билан кутиб оламиз.

## ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Юртимизга баҳор ташриф буюрди. Бу мавсумда одатда ҳамма жойда ободонлаштириш ишлари қизғин тус олади. Кўп қаватли биноларнинг ташқи кўринишини тартибга келтирилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар ерда баҳорий кайфият ҳукм суради.

Шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик бир-биридан гўзал бинолар кўп. Уларнинг ҳаммаси инсонлар учун бунёд этилган. Лекин биз улардан тўғри фойдаланиб, ҳамиша ҳам ташқи кўринишига эътибор берамизми? Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун кўп қаватли биноларнинг пешайвонларига назар ташлайлик. Кўриб турибсизки, уларнинг ҳаммаси ҳам биз истаганчалик ёки ўша бинонинг ҳуснига мос тартибли ва ораста эмас. Бу қаватма-қават чўзилиб кетган пешайвонлар орасида шундайлари ҳам кўзга ташланадики, уларга қараб туриб беихтиёр ранжиб кетасиз. Бирида эски стол-стуллар, қурилиш материаллари уйилган бўлса, бошқасида шундоққина кўзга кўринадиган жойда ювилган кир-чир кийимлар пала-партиш осиб ташланган.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир мисол. Яқинда Юнусободдаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи қадрдонимизникида бўлдик. Меҳмонхонада узоқ гаплашиб ўтиришдан зерикиб очиқ ҳавода нафас олиш учун айвонга чиқдик. Кўзимиз дарҳол бир бурчакка уйиб ташланган кишки оёқ кийимларга тушди. Пешайвоннинг узунасига кетган тўсқичларига эса ювилган турли кийим-кечаклар икки қатор қилиб бетартиб осиб ташланган эди.

Ўйлаб туриб «Сомсанинг додаси», «Пивонинг додаси» деганлари ҳам мана шунақа «Гўштнинг шоколади»га ўхшаган бир нарса бўлса керакда, дедим ўзимча. Олдин биз алдагани бола яхши, дердик. Энди эса баъзи сўзамоллар катталарни алдаш усулини ҳам ўйлаб топишибди.

## КЎНГИЛНИНГ КЎЧАСИ

Хизмат юзасидан шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларидан бирида бўлганимизда бир воқеани айтиб беришганди. Мана орадан анча вақт ўтдики, ҳамон у бизга тинчлик бермайди.

Икки дугона— Севара ва Лола ёшлигидан бир синфда ёнма-ён ўтириб ўқишди. Ўрта мактабни тугатгач, улар ўзлари ёқтирган олий ўқув юртларини танлашди. Севара санъат институтига, Лола педагогика институтига ҳужжатларини топширди. Мактабни аъло баҳолар билан битирган дугоналарга бахт кулиб боқди. Ҳар иккалови ўйлаган орзусига эришиб талаба бўлишди.

Тўртинчи курсни битириш арафасида Севара ўзи ёқтирган йигитига турмушга чиқадиган бўлди. Лола дугонасига оилавий бахт тилади. Тўйда елиб-югуриб хизмат қилди.

Олий ўқув юртини битиргач Севара Тошкентда ишда қолди. Лола ишлаш учун узоқ вилоятлардан бирига жўнаб кетди. Шу туфайли дугоналар бир-бирлари билан кам учрашадиган бўлишди. Орадан икки йил ўтиб Лола магистратурада ўқишни давом эттириш учун Тошкентга қайтиб келди. Бу хушхабарни эшитиб Севара дугонасининг уйига чопди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Мезбон нигоҳимиз бу манзарага узоқ қадалиб қолганидан дилимиздагини сезди шекилли:

— Нима қилайлик, шундай қилишга мажбурмизда. Ювиб-тозаланган кир-чирларни қуритадиган махсус жой бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик, — деди.

Албатта бу фикрга қўшилмадик. Шаҳримизда ўз пешайвонида гул ўстириб, уни ораста қилиб сақлаётган хонадонлар озмунчами? Улар кир-чирларини қаерда қуритаётган экан? Ҳеч бўлмаса улардан сўраб, тажрибаларидан ўрганайлик.

Ўз шаҳрини дилдан севган, унинг обод ва кўркам бўлишини истаган одам биринчи навбатда ўзи яшаётган даргоҳни обод қилади, уни батартиб сақлаш йўлларини қидиради, қўни-қўшниларга ибрат кўрсатиб, уларни ҳам ўзидек тартибли бўлишга ундайди.

## АЛДАГАНИ КАТТАЛАР ЯХШИМИ?

Саккиз ёшли набирам билан машинада бораётган эдик. У сўраб қолда.

— Бува, «Сомсанинг додаси» ҳам бўладими?

Бир зум гап нимадалигини билмай гангиб турдимда, сўрадим.

— Гапингга тушунмадим, бўталоғим.

— Ана у эшикка «Сомсанинг додасига буюртма қабул қиламиз», деб ёзиб қўйишибди, шуни сўраяпман.

— Э, гап бу ёқда дегин, ким билади дейсан эркам. Ҳозир одамлар кўпроқ даромад қилиш учун нималарни ўйлаб топишмаяпти. Бу ёзув ҳам шуларнинг бири-да. Аслида сомсанинг додаси йўқ. Яхши сифатли сомса бор.

Жажжи қизалоқнинг бу гапи мени анча ўйлантириб қўйди. «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деганлари шу бўлса керакда.

Қарангки, чиллаки чиллакини кўриб чумак урар экан. Орадан икки-уч кун ўтиб нуфузли идоралардан бири олдидан ўтиб бораётиб, «Пивонинг додаси» деган ғаройиб ёзувга кўзимиз тушди. «Пивонинг додаси» қандай бўларкин ўзи, деган савол билан бир зум тўхтадикда, шу ерда давра қурган пивохўрлардан сўрадик.

— Оддий пиво, отахон. Бошқалардан фарқи йўқ. Биз ҳам ёзувини кўриб ҳайрон бўлдик. Татиб кўрсак оддий ўзимизнинг пиво.

Яқинда гавжум бозорлардан бирининг гўшт растасига кирдик. Пештахта ортидан ўрин олган қассоблар, ўтган харидор борки ўзига чақиришади.

— Келиб қолинг, гўштнинг шоколадига.

Шунақа мақтови келтирилган шоколад гўштдан 2 килограмм харид қилдик. Уйга келиб болаларга ҳазиллашган бўлдик.

— Мана, гўштнинг шоколадидан олиб келдим. Бугун бир чучварахўрлик қилайлик.

Халтачамни қўлимдан олиб, ошхонага кирган аёлимнинг овози эшитилди.

— Вой шоколад гўштингиз қурмасин. Шоколад эмас, қоқ суякку бу. Фақат қайнатма шўрвадан бошқасига ярамайди отаси.

Узоқ суҳбатдан сўнг оилавий сўроқлар бошланди.

— Ҳали турмушга чиқмадингми дугонажон?

— Тенгимни топа олмадим. Бунинг устига иш билан бўлиб оилавий масалалар билан шуғулланишга қўлим тегмади. Мени қўй, ўзингдан гапир. Қалай, Тоҳиржон яхшими? Ўғлинг Муроджон ҳам катта бўлиб қолгандир?

— Вой ҳали хабаринг йўқми? Тоҳиржон билан орани очди қилганимизга олти ой бўлди.

— Нега, нимага? Ахир севиб турмуш қургандиларингку.

— Қайнонам билан чиқиша олмадик. Ё онангни дегин, ё мени десам, у онасини танлади. «Хотин топилади, она топилмайди, деди. Бошқа эрга тегяпман. Қара, худди истаганимдек тўйга етиб келибсана дугонажон.

— Ахир боланг борку, Муроджонни нима қиласан?

— Боламни Меҳрибонлик уйига топширдим. Отасидан нима кўрдим, боласидан нима кўрардим.

Улар нохуш хайрлашишди. Лола Севаранинг қилмишидан ростмана ранжиди. Шундай ақли-хушли дугонасига нима бўлди ўзи? Нима жин урди уни? Наҳотки оилавий масалага шунчалик енгилтаклик билан қараса? Она бўла туриб ўғлини, ўз жигарбандини кимларнингдир сўзига кириб ўзидан узоқлаштирса. Оналик меҳридан жудо этса.

Лола кечаси билан шулар ҳақида ўйлаб, хаёл сурди. Эртасига ўша Севара айтган Меҳрибонлик уйига борди. Муроджонни қидириб топди. Бир дўмбоқ, бир дўмбоқ бўлибдики, ҳавасинг келади. Севаранинг шундай болани қандай кўзи қийди экан бегоналар қўлига топширишга.

Лола олдида мўлтираб турган ўксик қалб боланинг бошини силади. Муроджон зўр-базўр ўзини тутиб турган экан, нотаниш аёлнинг меҳрибонлигидан кўнгли бўшаб, йиғлаб юборди. Улар узоқ суҳбатлашишди, диллашишди. Кейин бирор қарорга келишди шекилли, Лола тарбиячилар ёнига борди.

— Негадир боланинг шашти паст. Бошқаларга қўшилмайди, эрталабдан кечгача кўчага тикилгани-тикилган. Онасини соғинади чоғи. — Шу болани мен олиб кетсам нима дейсизлар. Унга ўзим оналик қиламан.

— Бизга қолса жон деймиз. Ахир ёш бола бирор меҳрибони қўлида тарбия топса яхши-да. Лекин ўртада расмиятчиликлар ҳам бор. Агар шунақа ҳужжатларни тўлдириб, тегишли ташкилотлардан рухсат олсангиз биз розимиз.

Лола ўз сўзида турди. Елиб-югуриб барча ҳужжатларни расмийлаштирди. Болага оналик қилишга ваъда бериб, Муроджонни ўзи билан олиб кетди. Лекин бу сафар у ўз уйига қайтмади. Қайта ўқишдан воз кечиб, ота-онасининг розилиги билан биринчи иш жойи, Қашқадарёга ўзи яшаган кулбасига қайтиб кетди. Ҳар қалай бола онаси Севара кўзидан узоқроқда яшашини хоҳлади.

Севара эса дугонасининг қилмишидан бехабар тўйга келмагани-ю, уни янги оила билан табрикламаганидан хафа бўлди.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-009. 1 2 3 4 6